

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 21 апрель • шанба • № 47 (4020)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТўҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносив уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилди.

Хусусан, 2009-2017 йиллар давомида 81 992 та уй қурилди, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфраструктуралари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароитга эга бўлган уйлар барпо этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг қонунийликда мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер

участкаларида яқка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи қафолатланган.

Шу билан бирга, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фондининг ялпи хатлови яқка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийликни таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришни қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамадан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яқка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият,

шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди.

Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг тил бириктириши бўйича қўллаб-қувватлаш мавжуд.

Натيجида ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олд ва уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳужжатларини беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлари келиб тушган.

Уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда қўмақлаштириш мақсадли:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участка-

лари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда бир марталик акция деб юритилади) эълон қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майга қадар:

а) мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойга (кейинги ўринларда ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб юритилади) нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилаётган шахсга қуйидаги шартлар асосида:

2

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорини имзолади.

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш мақсадли қабул қилинган қарорга мувофиқ 2018 йил 1 июдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-JRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Қорақўл туманида барпо этилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев шу куни Навоий вилоятига ҳам ташриф буюриб, «Навоийгаз» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган «Поливинилхлорид, каустик сода ва метаноид ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш», «Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватларини қуриш» ва «Азот кислотасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаларининг хозирги ҳолати билан ҳам таниди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни имзолади.

Қонун билан Меҳнат кодексининг 78-моддасига қўшимча киритилиб, шахсининг муқаддам судланганлиги ёхуд яқин қариндошларининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилинмаслиги таъқиқловчи норма ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни билан «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»нинг 9 та моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Қонун 7-1-модда билан тўлдирилди.

Шунингдек, 16-моддада кўрсатилган нормалар қонуннинг 2-моддасига қўйрилганлиги сабабли чиқариб ташланди.

Хусусан, қонунида журналист мақоми белгиланган. Замонавий профессионал журналистик фаолиятни юритиш амалиётини ўрганиш шуну кўрсатмоқдаки, муайян мавзу бўйича ахборот тайёрлаш жараёнида ахборотни излаш, йиғиш, таҳлил қилиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш жур-

налистик фаолиятнинг ажралмас қисмидир.

Шунингдек, хоржий қонуinchиликни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, журналист ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда нафақат ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш, тарқатиш билан, балки муайян мавзуда ахборотни таҳрир қилиш ва тайёрлаш билан ҳам шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни мамлакатимизда таширф билан бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Ген Хва хонимни қабул қилди.

«Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал илгиритиш» лойиҳасининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Учтепа тумани ҳокими Шавкатбек Турдиевич Иргашев пойтахтнинг бошқа бир тумани — Мирзо Улугбек тумани ҳокими Лавозимга тайинланди.

2018 йилнинг энг қудратли армиялари рейтингини (Military Strength Ranking) эълон қилинди. Ўзбекистон ушбу рейтингда ўтган йилга нисбатан тўққиз поғона юқорига кўтарилиб, 39-ўринга муносиб кўрилди. Globalfirepower сайтида тақдим этилган жадал шундан далолат бермоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси 15-19 апрель кунлари Глобал тадбиркорлик тармоғи (ГТТ) доирасида Истанбул шаҳри (Туркия)да ўтказилаётган Глобал тадбиркорлик конгрессида иштирок этишди. Мазкур конгрессда 170 та давлатдан 2000 дан ортиқ вакил қатнашмоқда.

Мазкур тадбирдаги «Compass awards» (ГТТ даги фаол давлатларни тақдирлаш маросими)да Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни инобатга олиб, «Ўзбекистон — йил кашфиёти» номинанцияси бўйича тақдирланди. Тадбирда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш бора-сида олиб борилаётган одилона ислохотлар эътироф этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг бухгалтерия хисоби ва аудит факультети 3-босқич талабаси Буранова Жазира Эргаш қизи Россия Федерацияси Екатеринбург шаҳрида Евросиё иқтисодий ёшлар форуми доирасида бўлиб ўтган бухгалтерия хисоби бўйича халқаро олимпиадада фахрли 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари у математика бўйича бўлиб ўтган халқаро олимпиадада ҳам фахрли 3-ўринни эгаллаган.

Интернет нашрлари хабарлари асосида тайёрланди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путинга самимий қўллов ҳамда кунча Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунлангани ва ишга туширилгани муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Россиядан нуфузли делегация иштирок этгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

«ЛУКОЙЛ» компанияси билан ҳамкорликда табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ишга туширилган юқори технологик ишлаб чиқариш мажмуаси мамлакатларимиз ўртасида тобора мустақамлашиб бораётган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг яна бир ёрқин намунаси экани алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон — Россия кўп қиррали алоқаларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро сўбатнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Президентига давлат таширфи билан мамлакатимизга келишини яна бир бор таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Таширфининг аниқ муддати дипломатик каналлар орқали келишиб олинди.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин турли форматларда ўзаро алоқаларни фаол давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШИРФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимўхамедов 2018 йил 23-24 апрель кунлари давлат таширфи билан мамлакатимизда бўлади.

Атнанавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтадиган икки томонлама учрашувлар ва олий даражадаги музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳожама қилиниши режалаштирилган.

Ташриф дастурида давлат раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги Ашхобод паркиннинг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Ушбу маскан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг ёрқин рамзларидан бирига айланиши кутилмоқда. Шунингдек, чегара-

дoш Хоразм вилоятига ташриф ҳам режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Туркманистон етакчи иқтисодий тузилмаларининг бизнес-форуми бўлиб ўтади.

Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланиши кутилмоқда.



Сирдарёлик ёшларга Президент совғаси — БИБЛИОБУС топширилди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашига Президентимиз совғаси — библиобус, яъни кутубхона шаклидаги махсус автотранспорт воситаси калити тантанали равишда топширилди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда ёшлар маънавиятини юк-

салтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юксак салоҳиятли инсонлар этиб улғайтиришда китобнинг ўрни бекиёс экани алоҳида таъкидланди.

Китобларни ташиш ва сақлашга мўлжалланган мазкур транспорт воситаси жавонларидан 2 мингдан ортиқ китоб жойлаштирилган.

ЎЗА

ИККИ кунда
ҳал бўлган
ЕТТИ йиллик
муаммо **2**

Ўзбекистон халқ артисти
Пўлат САИДҚОСИМОВ:
«Мени ҳалиям
«Мухаммад чаток»
дейишди...» **4**

Жавоб
излаётган
саволлар **3**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлса;

в) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишда мулкдорга у қурилган ер участкасига (участканинг бир қисмига) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида мерос қилиб қолдирилмаган умрбоқ эгалик қилиш ҳуқуқи берилди, ортиқча қисми Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган тартибда солиқдан заҳира ерларига олиб қўйилди.

лаётган даъволар ҳамда ижро қилинмаган қарорлари бўйича белгиланган тартибда қелишув битимлари тузилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

Касаба уюшма ҳаёти

«Тахиятош ИЭС» акциядорлик жамиятида 800 нафардан кўпроқ ходим ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Иш берувчи билан касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномаси ижроси мунтазам назоратда бўлиб, хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ходимлар манфаатини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий томондан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жамоа шартномаси биз учун дастуриламал бўлмоқда, — дейди касабақўм раиси Нурулла Абдуллаев. — Ҳар икки томон ўз зиммасига олган вазифаларга сидқидилдан амал қилаётгани ютуқларимиз асоси бўлмоқда. Корхонадаги иш ўринлари аттестациядан ўтказилиб, ишлаб чиқариш жараёнида соғлиққа таъсир кўрсатувчи зарарли омиллар аниқланса, ходимларга иш ҳақи тўланадиган таътиллари берилмоқда. Ушбу корхонада ишлаётганимдан мамнунман, — дейди ёш мутахассис Шарападин Жалғасбаев. — Уй-жойга эҳтиёжим борлигини ҳисобга олиб, 34 млн. 100 минг сўм микторида фозисез сесуда берилганидан бошим осмонга етди. Байрам саналарида кам таъминланган ва нурунийлар, шунингдек, корхона ҳомийлигидаги хонадонларда бўлиб, моддий томондан қўмақлар бериш ва совғалар топшириш аънаъна тусини олганидан барча хурсанд. Кўп йиллар ушбу корхонада ишлаб нафақага чиқдим, — деди меҳнат фахрийси Сабур Эрнафасов. — Айни пайтда кизим Муборакхон шу ерда меҳнат қилмоқда. Қизимга берилган имтиёзли йўлланмадан фойдаланиб, «Нурафшон» санаторийида дам олиб, соғлигимни тикладим. Намунали ишлар туфайли корхона маъмурияти Энергетика ходимлари касаба уюшмаси тармоғида «Энг яхши корхона» ва касаба уюшма ташкилоти эса «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номини ялганган бўйича ғолиб деб топилди. «Элга ҳурмат кўрсатсанг, ҳурмат топасан», деганлари шу бўлса керак-да.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

«Обод қишлоқ» дастури

— Президентимизнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони билан танишиб, кўнглимиз яшнаб кетди, — дейди меҳнат фахрийси Худойберган Матназаров. — Қишлоғимиз энди обод бўлади, меҳмон келганида уялиб қолмаймиз деб севиндик. Кўп ўтмай, апрель ойининг бошида Оқдарбанд қишлоғимизда ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Барчаннинг кайфияти кўтаринки.

Икки кунда ҳал бўлган етти йиллик муаммо

Оқдарбанд — Қўшқўпри туманидаги олим, Туркманiston Республикаси билан чегарадош қишлоқ. Қишлоқдаги 1601 хонадонда 9339 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда учта мактаб, қишлоқ оилавий поликлиникаси, маданият ва аҳоли дам олиш маркази, мактабгача таълим муассасаси фаолият юритади. Бу қишлоқдан қўллаб таникли олим, тадбиркор, фермерлар, ўқитувчи ва шифокорлар етишиб чиққан.

«Обод қишлоқ» дастури асосида иш бошлаш учун даставвал ишчи гуруҳи тузилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Бекберган Ахмедов. — Улар хонадон-хонадон юриб, муаммоларни аниқлашди.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат эди?

Авалло, 500 та хонадонга тоза ичимлик суви етиб келмаган эди. Сув қувурлари ўтказилган, бироқ сув тортиб чиқарадиган насос носозлиги туфайли аҳоли қудуқлардан сув ичарди. Қувонарлиси, етти йилдан бери бузук ётган сув насоси хашар йўли билан икки кунда таъмирланди.

Ҳикмат


Инсон тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ҳам тушуниши мумкинлигида инонмоғи лозим, акс ҳолда, у булар ҳақида фикр юритмай қўйган бўлур эди.

Йоҳан Вольфганг Гёте

Анжуман

«Агробанк»: имтиёз ва имкониятлар

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилляпти.



сув тортиб чиқарадиган насос носозлиги туфайли аҳоли қудуқлардан сув ичарди. Қувонарлиси, етти йилдан бери бузук ётган сув насоси хашар йўли билан икки кунда таъмирланди.

Йўлар ҳам таъмирталаб бўлиб қолгани боис одамларнинг қишлоққа, ёзда чанг кечиб юришига тўғри келарди. Бундан ташқари, инфратузилма ривожланмай қолгани, ноқонуний қурилмаларнинг кўпайгани туфайли аҳолида боқимандалик пайдо бўлган эди. Томоркалар карорвез ётарди. Ишчи гуруҳи томонидан аҳолининг 43 фозиси иёсиз экани ҳам аниқланди.

— Қишлоқда меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 102 нафар иёсиз фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, — дейди туман бандликчи кўмаклашиш маркази раҳбари Иброҳим Ибодуллоев. — Шунингдек, 100 нафар аёлни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи ташкил этиляпти. Тикувчиликка кизиккандар эса Оқдарбанд қишлоқ ҳўжалик коллежида касбга тайёрлаш бўйича ўқитилмоқда.

Ҳикмат

Инсон тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ҳам тушуниши мумкинлигида инонмоғи лозим, акс ҳолда, у булар ҳақида фикр юритмай қўйган бўлур эди.

Йоҳан Вольфганг Гёте

Анжуман

«Агробанк»: имтиёз ва имкониятлар

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилляпти.

Бир ҳафта ичида 82 та хонадонда иссиқхона қурилган. Тадбиркорликка кизиккандар учун эса 388,4 млн. сўмлик кредит ажратилган. Одамлар қўлгина муаммолар ҳал бўлаётганидан, жумладан, йўллар таъмирлангани, суьюттирилган газ баллонлари вақтида келтириляётганидан мамнун.

Бир ҳафтада қишлоқда 430 тадан ортик ноқонуний қурилмалар бузилди, 670 та уйнинг ташки томони, учта мактаб ва ЭТМ биноси қайта таъмирланди. Эски ҚВП биноси хусусий боғчага айлантирилядиган бўлди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳи аъзолари сайёр қабуллар уюштириб, мурожаат билан келган 460 нафар фуқарони қабул қилди ва уларнинг муаммолари шу ерда ҳал бўлди, — дейди «Опоқкаль» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоназар Назаров.

Кишлоқнинг ободонлаштириляётгани аҳоли кўнглини ҳам обод қилди. Одамлар руҳиятида ўзгартириш пайдо бўлгани дарҳол сезилди. Гамхўрлик ва эътибор уларни ҳаракатга келтирди. Қишлоқда бунёдкорлик ишлари авжида.

Мехрибон ТИЛЛАЕВА, журналист

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 апрель

Жамоа шартномалари амалда

Касаба уюшмалари ҳар бир фуқаронинг меҳнат, ижтимоий ҳимояланиш, дам олиш ҳуқуқларини таъминлашга қўмақлашади. Навоий вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик тамойили асосида изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ижтимоий ҳимоя — БОШ МЕЗОН

Маълумки, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартнома ва келишувлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда вилоятимиздаги мавжуд юридик шахсларнинг 97,6 фозини билан жамоа шартномалари тузилган бўлиб, улар орқали ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 10 млн. 329 минг 600 сўмни ташкил этмоқда. Шунинг ўзиде жамоа шартномасининг меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашда тугган ўрни ниҳоятда бекиёс эканини кўрсатиб турибди.

Иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан корхона ходимлари учун қулайликлар яратилиб, қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилмоқда. Ходимларнинг турли сикатҳоҳларда имтиёзли дам олиши, спорт, соғломлаштириш ҳамда маданий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, касаба уюшмалари меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялаш, дам олиши, соғлигини тиклашга қўмақлашиш, фарзандларини оромҳоҳларда соғломлаштириш, маданий ва спорт тадбирлари уюштириш билан бир қаторда корхона-ташкилотларда меҳнат қонучилиги қондаларига амал қилиниши, меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини олиб боради.

Бундан ташқари, жамоа шартномаси орқали ходимларга корхонада бекатлар ва қулай меҳнат шароити яратиб берилиши, иш жойида саломатликка салбий таъсир кўрсатадиган зарарли омиллар бўлмаслиги, ходимлар махусе кийим-бош, пойабзал, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда эса махусе ва парhez таомлар билан таъминланиши, иш берувчи маблағи ҳисобидан белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўтказилиши тизимли равишда йўлга қўйилган.

Ходим касаба уюшмасига аъзо бўлганда нафақат ўзи, балки оила-аъзоларининг ҳам касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлардан бирида имтиёзли равишда дам олиши, (ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандлари) саломатлигини тиклаши, фарзандларини болалар соғломлаштириш оромҳоҳларида имтиёзли ёки бепул тарзда дам олдириши мумкин бўлади. Шу билан бир қаторда, оилавий ва жамоавий спартакиадаларда қатнашиш, театр ва концертларга имтиёзли чипталар олиш, юртимизнинг тарихий жойларига саёҳатлар уюштириш орқали уларнинг ҳам манфаати ҳимояланишига имкон яратилади.

Тахлил натижаларида жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш амалиёти кенгайганлигини яқоқ сезиш мумкин.

Бунга мисол сифатида «Кизилқуммечент» акционерлик жамиятида жамоа шартномаси орқали меҳнатқашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни келтириш мумкин. Ходимларга корхонадаги иш стажига кўра 1 кундан 7 кунгача қўшимча меҳнат таътили берилиши, ходимларни ишга олиб келиш ва ишдан олиб кетиш учун бепул автотуслар жорий этилгани, лавозим маошларини ҳисоблашда меҳнатга ҳақ тўлаш тарифи септасига белгиланган коэффициентлари мамлакатимизда амал қилаётган Ягона тариф септасидаги нисбатан 1,6 баробар юқори экани корхона бўйича ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 15 баравари ўрнига 23,3 баравари миқдорига етказилгани, зарарли ва оғир меҳнат шароитларидаги иш учун ходимларга тариф ставкалари ёки лавозим оқладларининг 12 фозидан кам бўлмаган миқдорда компенсация белгилангани лақомотив машинистларига тоифа малакалари учун ва уларнинг ёрдамчиларига қўшимча тўлов ўрнатилган тоифа ставкасига нисбатан ҳисобот ойдада ҳақиқатда ишлаган вақти ва тоифа малакаси учун 5 фозидан 15 фозигача устамалар қўшилгани, 26 нафар ишчига устозлик қилгани учун 7 млн. 340 минг сўм қўшимча ҳақ тўлангани, ишчиларнинг ўзлари ва яқин қариндошлари жамият тасарруфидаги соғломлаштириш профилакториясига ҳар йили саломатликларини тиклаётгани шулар сирасидандир.

Ҳар бир жамоа қатта ишонч ва умид билан касаба уюшма етакчисини сайлайди. Етакчидан эса бундай ишонччи оқлаши учун жамоа ва корхона ҳаётига дахлдорлик ҳисси билан яшаш талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ҳаёти янада мазмунли ўтиши учун беминнат хизмат қилади.

Наргиза ЙЎЛДОШЕВА, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси

Анжуман

«Агробанк»: имтиёз ва имкониятлар

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилляпти.



нига қадар банк томонидан қорвачиликка 6,8 млрд., паррандачиликка 1,7 млрд., ба-

ликчилик ва асарчиликни ривожлантиришга 1,5 млрд., иссиқхона ташкил



Жавоб излаётган саволлар

«Жавоб излаётган саволлар» саҳифаси орқали аксарият ҳолларда муштарийларимиз идора ва ташкилотларнинг айна кўтарилаётган саволларга масъул бўлган мутасаддилари фикри билан танишиш имкониятига эга бўлаётгани, баъзи ечимсиздек туюлаётган масалалар ҳал этилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу билан бирга, ўз конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиб оммавий ахборот воситасида жамиятни қизиқтираётган саволлар билан мурожаат қилган фуқароларга айрим ташкилотларнинг ноўрин муносабатда бўлаётганини ҳам айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Баъзи ҳолларда эса «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг «Мурожаатлар ва оммавий ахборот воситалари» деб номланувчи 7-моддасини нотўғри талқин қилишга уринишлар ҳам учраётир. Сиз бунга газетамизда эълон қилинган бир жавоб мисолида гувоҳ бўлдингиз. Мазкур моддада «Давлат органларига оммавий ахборот воситалари тахририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади. Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин», дея аниқ кўрсатилган. Ушбу саҳифа орқали тахририятимиз айнан жамоатчилик фикрини акс эттириш баробарида, уни ўзига хос йўсинда ўрганаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим ташкилотлар фуқаронинг ОАВ орқали йўллаган саволига мутлақо эътиборсизлик қилди. Мисол учун, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Veelipe» мобил алоқа компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қонунда белгиланган муддатларда қўйилган саволларга муносабат билдиришни лозим топмади. Биз бу мавзуларга албатта қайтамыз. Келгусида бу каби ҳолатларга барҳам берилди, деган умиддамиз. Кўйида тахририятга йўллаган саволларнинг навбатдагилари ҳавола этилмоқда.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИГА!

Тўй пули

Ўғлимизни уйлантиргач, 20 кундан кейин келинимиз ҳеч кимга айтмай отасиникига кетиб қолди. Ота-онаси «Кизимиз ажрашмоқчи», дейишди. Унга келинлик вазифаларини бажариш ёкмаган эмис. Бор-йўқ сабаб шу. Ҳар қанча уринмайлик, уларни фикридан қайтара олмадик.



Энди никоҳни бекор қилиш юзасидан суд бўлиши керак. Ўғил уйлантирамиз деб йиллаб йиғинганмиз. Ҳатто анчагина қарз ҳам олгандик. Суд ходимларига «Келиннинг ота-онаси ёшларни ажратиш ташаббуси билан чиқаётган экан, улар тўйга кетган сарф-харажатларимизнинг ярмини қоплаб берсин» десақ, қонунда бундай ҳолат назарда тутилмаганини айтишди. Биз фақат моддий йўқотишни деб куйиб-ёнаётганимиз йўқ. Биринчи навбатда, ёшларнинг бахтига завоқ етаётганидан изтиробдамиз. Лекин кимнингдир айби билан бошқа биров моддий зарар кўриб қолавериши ҳам тўғрими?

Ш. АМОНОВ,
(исми-шарифи ўзгартрилган)

Ҳикмат

Ёлғонлар борки, инсонларга қанот бағишлаб, уларни самога олиб чиқади. Аммо ачиқ ва шафқатсиз ҳақиқатлар борки, улар инсонни кўрғошин занжирлар каби ерда ушлаб туради.

Чарльз Диккенс



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА!

Хусусий боғчанинг нархи чақмоқда...

Кизим икки ёшдан ўтди. Аммо МТМларга болаларни қабул қилиш ёши 3 ёш қилиб белгилангач, фарзандимни боғчага беролмадим. 2 ёшли болаларни қабул қиладиган гуруҳлар фақат хусусий боғчаларда бор экан. Аммо уларнинг тўлови жуда қimmat. Масалан, пойтахтимиздаги «MEGA CHILD» ХМТМга фарзандимизни жойлаш учун ойига бир миллион икки юз минг сўм тўлашингизга тўғри келади.

Айни кунларда ХМТМларга ҳукуматимиз томонидан катта имтиёзлар яратиб берилмоқда. Масалан, газ ва электр энергиясидан фойдаланишда уларга имтиёзлар белгиланди. Шулар эвазига, икки ёшли болалар учун гуруҳларнинг нархини пасайтириш мақсадга мувофиқ эмасми?

Нилуфар УСМОНБЕКОВА,
Яшнабод тумани Фарғона йўли кўчаси, 10 В-й

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА!

Тиббиёт масканини ким қуради?

Киншогимиз аҳолиси йилдан йилга кўпаймоқда. Бирок ҳудудда тиббий маскан йўқ. Кимдир бемор бўлса қаердан муолажа олишни билмай сарсон бўлади. Кишлоқда 2-3 нафар тиббиёт ходими бор, аммо муолажа қилиш учун шароит, жой йўқ.

Қиш-баҳор фаслларида деярли ҳар бир хонадонда икки-уч киши «грипп» бўлади. Аммо бизда шу оддий хасталикни ҳам даволаш шароитлари мавжуд эмас. Бундай пайтда ҳудуд саломатлигига масъул ҳамшираларнинг тайинли ишонаси бўлмагани учун уларнинг борлиги ҳам, қиладиган иши ҳам билинмайди. Бирор муолажа (укол) олмақчи бўлсақ, етти-саккиз чакирим узокликдаги туман марказига боришимизга тўғри келяпти. Ҳомилалар аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиб туриш, уларга зарур муолажалар қилиш бўйича ҳам кишлоқда аҳвол ачинарли.

Ҳудудимиз ва қўшни кишлоқлар учун дашт минтақада мўъжазгина бўлса-да, тиббий маскан қурилишида ёрдам сўраб, Чирокчи туман ҳокимлигига хат билан мурожаат этгандик. Харна ҳамшираларга иш



жой бўларди, керак бўлишса, шу ерга излаб борардик-да. Аммо бу ишнинг амалга ошишига кўзимиз етмай турибди.

Саволимиз шуки, биздаги каби кичик тиббий масканга эҳтиёж бор кишлоқларга муассасани ким қуриб бериши керак? Бунинг учун қайси ташкилотга мурожаат қилайлик? Бундай муаммоларнинг ечими борми?

Холёр МАТАШАЕВ,
Чирокчи тумани, Қаҳрамон қишлоғи

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИГА!


Таътил пули бирйўла тўланса бўлмайдами?

Таълим муассасаларида педагог-ҳодимларнинг меҳнат таътиллари учун тўланаётган пул маблағлари бир неча қисмларга бўлиб тўланади. Меҳнат кодексининг 148-моддасида «Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охириг иш кунидан кечиктирмай амалга ошири-

лади» деб белгилаб қўйилган. Педагог-ҳодимларга меҳнат таътили учун тўланадиган ҳақни бир вақтда, таътил бошланмасдан олдин белгиланган муддатларда молиялаштириш чораларини кўришнинг имкони йўқми?

Ойгул ХОЛИЁРОВА,
Чирокчи туманидаги 13-ўрта умумтаълим мактаб ўқитувчиси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИГА!



«Исҳоқ»ми ё «Ишоқ»?

Лотин графикасига асосланган Ёзув масаласида интернет сайтларида кўплаб мунозаралар бўлиб ўтди. Ижтимоий тармоқларда мазкур мавзу бўйича кўзга кўринган етук олим, ёзувчи, журналист, зиёлилар муносабат билдирди. Бир гуруҳ ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўсиб келаётган янги авлод асосан лотин алифбосидан фойдалангани учун тезроқ тўлиғича шу графикага ўтишни қўлади. Янги графика билан дунё илму фани, маданияти ва иқтисодиётига яқин бўлишимизни таъкидлади. Бошқа гуруҳ эса бутун авлод узок вақт мобайнида тўпланган илмий, адабий, маданний меросдан ажралиб қолиши, орадан 30-40 йил ўтгач ҳозирги китоб, газета ва журналларни таҳлил қилиш, улардан фойдаланиш учун худди биз ҳозир 19-аср ва ундан аввалги даврлардаги қўлёзмаларни ўқишда махсус билимли инсонларни жалб қилишимизга тўғри келгани каби қийинчиликлар пайдо бўлишини айтиб, бунга эътироз билдирди. Улар дунё билан ҳамқадам бўлишда алифбонинг аҳамияти йўқлиги, иероглиф, араб, кирилл алифбоси амал қилаётган давлатлар ҳам борлиги, улар тараққиёт билан тенгма-тенг кадам ташлаётганини таъкидлашди.

Билдирилган фикрларнинг ҳар бирида жон борлигини эътироф этган ҳолда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида мавжуд баъзи камчиликлар ҳақида тўхталганини лозим топдим. Масалан, ўғил болаларга «Исҳоқ» исми қўйилади. Лотин графикасидан исм «Ishoq» (Ишоқ) тарзида ёзилади. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундай камчиликларни бартараф этиш юзасидан бирор олим ёки тилшунос иш олиб бориштириши? Ёки энди болаларга бундай исмларни қўймайликми?

Ш. МИРЗАОЛИМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

20 сотих томоркамга полиз ва сабзавот экинларини экаман. Яна 3 бош йирик шохли молимиз ҳам бор. Ёзда уларни боқиш унчалик қийин эмас. Болалар арик ва кўчалар четидан ўт ўриб келиб, бир иложини қилади. Лекин кишлоқ муаммо кўпайиб кетади. Туманимизда пахта чигитини қайта ишловчи «Турон Хўжайли» акциядорлик жамияти жойлашган. Лекин шрот ва шелухани давлат нархидан сотадиган шохобча ёки дўкон йўқ. Тахиятош шаҳридаги «Тахия-

тош дон маҳсулотлари» дўконига сотувга чиқариладиган омухта-ем бир соатта етмай тугаб қолади. «Озука ем таъминоти» корхонасига қарашли шохобчалардан бир кило шротни 1200 сўм, шелухани 600 сўм, омухта емни 800 сўмдан соатиб олар эдик. Корхона тугатилгач, бозорда бир килограмм шротнинг нархи 2800 сўм, шелуханинг баҳоси 1700 сўм ва омухта емнинг бир килоси 1500 сўмга тенг бўлиб кетди. Мамакатимиз пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринлар-

дан бирини эгаллайди. Унинг асосий қисми ўзимизда қайта ишланади. Нега унда чигит чикиндисидан олинандиган ем бунча қimmat? Ёки шу «чикиндини» ишлаб чиқаришга катта маблағ сарфланадими? Ахир, емни арзонлаштириш аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллаши ҳеч ким учун сир эмас-ку? Шу масалани бирор масъул шахс бизга тушунтириб бера оладими?

Қурбонбой РЕЙИМОВ,
Хўжайли тумани

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИГА!

Масъулиятсиз тадбиркорга чора борми?

Анджон шаҳридаги ўқув қуроллари дўконига бежирим дафтарлар тўплами диққатимни тортиди. Уларнинг муқовасида қайси фанга мўлжаллангани ҳисобга олиниб, буюк алломалар сурати, меъморий ёдгорликлар, турли формулалар акс этган. Хуллас, жамлангани (12 та) харид қилдим.



Уйга бориб, уларни кўздан кечирдим. Ҳайратга тушдим: рус тили фанига мўлжалланган дафтар муқовасида шоир Александр Пушкиннинг туғилган ва вафот этган санаси – 1814-1837 йиллар тарзида берилган. Йе, шоир 1799 йилда туғилган эди, шекилли! Ё адашялманми? Дарров адабиёт китобини очдим – йўқ, мен ҳақ эканман!

Бошқа бир дафтарда таникли инглиз шоири ва драматурги Уильям Шекспир яшаган давр — 1336-1405 йиллар деб кўрсатилган. (Аслида, 1564-1616). Ана ҳоло! Менимча, маҳсулотни ишлаб чиқарганлар буюк бобомиз Амир Темур билан Шекспирни битта одам деб ўйлашса керак.

Дафтарлар Тошкент вилояти, Зангиота туманининг Мустақиллик кўчасидаги 21-уйда жойлашган «SMART DISCOVERY» масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 минг нусхада ишлаб чиқарилган.

Уни харид қилган ўқувчининг муқовага хар куни кўзи тушади ва нотўғри маълумот кўпчилик тендошларимизни чағитиши табиий. Дафтар юзасига қўнглига келганини ёзиб ўқувчига тақдим қилаётган масъулиятсиз тадбиркорларни ким назорат қилади?

Гулҳумор АБДУРАШИДОВА,
Анджон туманидаги 44-мактабнинг 10-синф ўқувчиси

«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖГА!




Чигит ўзимизники-ку, ем нега қimmat?

ТАХРИРИЯТДАН:

Эълон қилинаётган саволлар билан тегишли идора ва ташкилотларга хат йўлланади. Уларнинг қонунга мувофиқ муддатда юборган жавоблари газетамиз саҳифаларида чоп этилади. Ечим қутаётган муаммо ва камчиликлар кўпчилигининг эътиборида бўлишига қарамасдан, мутасаддилар нигоҳидан четда қолаётган саволлар бўйича мурожаатларнинг электрон почтаси ҳамда ижтимоий тармоқлардаги манзилларига йўллашингиз мумкин.

Акс-садо



Ўқиш мобайнида дастлаб унинг сарлавҳаси эътиборимни тортди. Баён этилган фикрлар эса ёши улғу санъаткор сифатида мўлоҳаза юритишга чорлади. Санъатлар ичида энг оммабопи бўлган кино воситасида маънавий бутунлик, миллий бирлик ва яқдилликка эришти, халқимиз буюклиги тимсоли бўлган улғу аждодларимиз, бой маънавий меросимиз, тарихимизни жаҳонга тараннум этишимиз мўмкин. Зеро, жаҳонда ғоявий ва мафкуравий кураш, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда киноминг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Ўзбекистон халқ артисти
Пўлат САИДҚОСИМОВ:

«Мени ҳалиям «Муҳаммад чатоқ» дейишади...»

«Ishonch» газетасида эълон қилинган
«Яна, афсуски, кино ҳақида...» номли мақолани ўқиб

Темур ҳақида кино олиш мумкин бўлмаган. Энди буюк аждодимиз ҳақида бор ҳақиқатни ёза бўлади. Амир Темур деганда кўз олдимизда ҳақиқий сохибқирон кифофи жонланиши, килин вужуди жимирлаши керак. Шундагина халқ орзу қилган кино бўлади. Ватанамиз тарихи, адабиётида, балки дунё тамаддунида муносиб ўрин эгаллаган Захриддин Муҳаммад Бобур тўғрисида ҳам бутунлай бошқа фильм олиш керак. Ибн Сино ҳазратларининг фалсафий қарашлари, тиббиёт соҳасида яратган тенгсиз ихтироларини бутун дунё билдириши керак. Авлодлари бўлган биз эса ўз даҳомиз ҳақидаги билимимиз билан хали ҳам мактанолмаймиз. Агар шу зоти шариф ҳаётидан ҳикоя қилувчи корейлик киножодкорлар яратган «Сарой жавоҳир»дай битта фильм яратганимизда эли, халқимиз ўзлиги, қимлиги, насли ва аслини теранроқ англаймиз. Тарихимиз бой, Исмоил ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Жалолдин Мангуберди, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк шахсларимиз кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида кино яратиш мумкин. Аммо бунинг учун юқоридаги гап: бутун бошли гуруҳ шакллантирилиши, яхши сценарий, ана шу сценарийнинг экранда талкин қила оладиган кучли режиссёр керак. Аммо яхши сценарийчи қани? Ҳамма гап шунда! Пёса бошқа, сценарий бошқа, уни ёза олиш керак. Сценарийчиларни чет элдан ўқитиш, шу билан бирга, уларнинг кучлиларини жалб қилган ҳолда ёшлар учун маҳорат дарслари ташкил этиш зарур. Бу — энг долзарб масала.

ХАММА РОЛ ЎЗ АКТЁРИНИ ТОПСА, ШУНДА 70-80 ФОИЗ ФИЛЬМ ТАЙЁР ДЕГАНИДИР. РОЛ ТАНЛАШДА ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК БЎЛИШИ ЯХШИ ЭМАС. КИНОДА ҲАҚИҚИЙ АКТЁР БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ЯХШИ АКТЁР БИТТА-ИКИТА РОЛНИ ЎЗИ БИЛАН ОЛИБ ҲАМ КЕТАДИ. БУ У УЧУН ЭНГ КАТТА БАХТ. АБРОР ҲИДОЯТОВ — ОТЕЛЛОНИ, ОЛИМ ХЎЖАЕВ АЛИШЕР НАВОЙИНИ, ОБИД ЖАЛИЛОВ СОЛИХБОЙНИ ОЛИБ КЕТДИ. УЛАРДАН Кейин бу РОЛЛАРНИ ЎЙНАБ БЎЛМАЙДИ.

Эмас. Томошабин унда ўз бошидан ўтганларини кўрсин, хис қилсин. Енгил-елпи, қайнона-келин, қайнота-куёв муаммоси билан иш битмайди. Ҳозир бунақа фильм кўп, халқ руҳияти, дунёқарашини ҳаққоний ёздиган мард эса йўқдек. Ҳақиқатга тик қараш керак. Ҳаётдан олинган «Гирдоб» фильми экранга чиқганига 40 йилдан ошди. Мени халиям «Муҳаммад чатоқ» дейишади. Халқ либ ўзбек руҳияти, миллат қалбини акс эттирадиган образни яратди? Бу масала яхши кино яратиш йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири. Али Ҳамроев русча гапирди. Жасур Исҳоқов ҳам русийзабон. Бунақа бўлмаслиги керак. Майли, русча гапирсин, аммо ўзбекчани, ўз она тилини ҳам ўргансин!

Айни пайтда давлатимиз томонидан кинога катта эътибор қаратилаётган. Бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. «Ўзбекфильм» бироқ таъмирдан чиқарилаётган. 5 та тарихий, 5 та замон қаҳрамонлари акс этган фильмлар олинаётган. Миллий ғурур, миллий ўзлики ҳаёт мезони деб билган, ўз халқидан руҳан қувватланган инсонгина миллатларни маълум қўяди, маънавий кемтикларни тўлдирди. Элининг қандай яшаш тартибидан донолар бозори ва мазоридан билишгандек, халқ маънавияти, ўзлиги қандай бўлса, санъати, адабиёти, киноси ҳам унга ҳамоҳанг бўлади. Инсон умид қилишдан чарчамайди. Умидворлик, ўзбек киночилари ҳам дунё тамаддунида ёрқин из қолдирган буюк аждодларимиз номи ва шаънига муносиб, бағрикенглик, самимият ва соддадилликка ўхшаш йўқ халқимиз маънавий олами, тафаккур дунёси ҳақида ёрқин кинолар олишади. Чунки она ўзбекистонимиз узра ҳар кун яхшилик минг яхшиликни эргаштириб, юртни обод, кўнгилларини шодликка тўлдирмоқда.

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

... У эшак аравада қишлоқларни айланар, эски буюмларни йиғарди. Айрим одамлар бу лаш-лушларни нима қилар экан, деб ҳайрон бўлишар эди.

Эскифурушнинг бебаҳо бойлиги

Бугун И.Савицкий йиллар давомида йиққан ўша эски буюмлар, асори-аттикалар бутун дунёни ҳайратга солмоқда. Эскифурушнинг бебаҳо бойлигини кўриш учун ҳар йили кўплаб сайёҳлар Нукусга келади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Богот тумани кенгаши ташаббуси билан 50 нафар ходим Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат музейига саёҳат қилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Очиги, шунчалик бетакрор дурдоналарни кўраман, деб ҳеч ўйламагандим. Қорақалпоқ миллий либослари, тақинчоқлар, хунармандчилик буюмлари, авангард расмлар — барчаси бебаҳо. Музейнинг кўргазма залларини ҳаяжон билан томоша қилдик.

Тарих фани ўқитувчиси бўлганим сабабли саёҳатдан катта тавассурот олдим. Шу куннинг ўзида Султон Увайф кадамжосини ҳам зиёрат қилдик.

Жамиятимизни маънавий юксалтириш, ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда маданият муассасалари, хусусан, театр, концерт, кино ва музейларнинг ўрни ниҳоятда улкан. Бошқа жамоат ташкилотлари ҳам касба уюшмаларидан иборат олиб, театр ва музейлар, маданият муассасаларига саёҳат уюштирса, юртимиз маънавиятини юксалтиришга салмоқли хисса қўшган бўларди.

Бахтигул ҒАФФОРОВА,
Богот туманидаги
92-ихтисослаштирилган
мактаб интернати
ўқитувчиси

Аслида, кино санъати ўта жиддий масала, уни шахсий машхурилик илтифотида юрганлар, акцилик, «валдизлик касали»га мубтало бўлиб «шифо тополмай юрганлар» билан ўзгартириб ҳам, ривожлантириб ҳам бўлмайди. Айниқса, сериаллар яратишга турли соҳалардан мутахассисларни сафарбар этиш лозим. Биз тарихий сериаллар ҳақида гапиряпмиз. Ўйлаётганим, бу ишга тарихчи олимлар, археологлар, расомлар, адабиёт билимдонлари, ҳатто тиббиёт илми мутахассислари... қўйингиз, жуда катта жамоани жамлаб, ана ундан кейин биронта жиддий, асосли, ҳар қандай дидди томошабин талабига жавоб бера оладиган сериаллар, фильмлар яратишга ҳаракат қилар. Тарихий фильмларда биттагина детал эътибордан четда қолса, бутун бошли меҳнат чиптакага чиқади. Масалан, чой ичиладиган ибелани олайлик. У ўша даврни акс эттириши, бунинг учун тарихчилар, археолог, яна бир қанча мутахассислар фирмага таяниши лозим. Корейларнинг катта маънавий эътибор олиб келинаётган сериаллари учун ана шундай бутун бошли индустрия ишлаши ва бу ўзини ўн баробар оқсатиши керак. Кино олиш жараёни, кўйинлари, декорация... Буларнинг ҳаммаси пул, катта пул талаб қилади. Аммо улар яхши кино яратиш, пулини қайтариб олади. Қайси давлат борман, корейс киносини қўйишарми. Корейга борганлар ўша индустриянинг турист сифатида даромадига даромад қўшиб қайтишарми. Наҳотки, шунини кўрмаймиз? Бу соҳа ривожланиши фақатгина кино компания қўлидан келаётган иш дегини соғлом фикрли кишининг гағи эмас. Биз ҳам улар каби бир эканан бош чиқариб, чет элликлар ҳам кўрдиган кино олишимиз керак. Шунда «Ўзбекистон» ҳам даромад олади. Оқдун кинода даромад бўлмагас ҳам майли, дейишарди. У даврлар ўтди. Кино халқнинг тарбияси, маънавияти, диди, дунёқараш билан боғлиқ масала экан, бунга бирёқлама қараб бўлмайди.

Ҳикмат

Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди.

Абдулла ҚАҲҚОР

Реклама ва эълонлар

ЁНИҚ АУКЦИОН САВДОГА ҚЎЙИШ:

МЧК «Кўч тармоғи иттиҳодлаштиришнинг аҳолий савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилган ижодкорлар шунинг маълум қилиши «Ishonch» газетасининг 2018 йил 27 феврал кунини № 25-сонда эълон қилинган талони 2018 йил 15 май кунинг ёниқ аукцион савдоларига соғломлиги қолган талонларда эълон қилинган кейинги билинган савдо кўрсаткичи Утказилган маълум қилиш. Талабдорлар савдо тизимининг аҳолий савдога қўйишга қўйишга:

Table with 5 columns: №, Автомобил ва номер, Иш. чик. йили, Давлат рақами, Бошланғич баҳоси (сўм), Сақланаётган жойи МХХ

Талоннинг ёниқ аукцион савдолари 2018 йилнинг 15, 22, 29 май ва 5, 12 июль кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Бегуний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-қаватда бўлиб ўтди. Маълум аптолотворити асосида талон 2018 йил 15 май кунинг ёниқ аукцион савдоларига соғломлиги қолган талонларда эълон қилинган кейинги билинган савдо кўрсаткичи Утказилган маълум қилиш. Талабдорлар савдо тизимининг аҳолий савдога қўйишга қўйишга:

Талаб. тарихингиз ва билим. «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилади.

Advertisement for O'zbekiston uyushmalar Federatsiyasi with logo and contact information.

Large advertisement for 'FAOL TADBIRKOR — IJODKOR NIGOHIIDA' featuring a car auction and contact details for Tanlov.

Талаб. тарихингиз ва билим. «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилади.

Advertisement for Manzilimiz bank with contact information and services.

Advertisement for Tanlov (Tashkent) with contact information and services.

Advertisement for Navbatchi (Tashkent) with contact information and services.